
14 НАФАР ФУҚАРОЛАР ДАРОМАД МАНБАИГА ЭГА БЎЛДИ

Юртимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш масаласи давлат сиёсати даражасигача кўтарилган. Шу мақсадда “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” жорий этилиб, аҳолини эҳтиёжманд, ишсиз, кам даромадли қатлами рўйхати шакллантирилди. Риштон тумани ҳокимлиги, Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими ва бошқа жамоат ташкилотлар томонидан “Маҳаллабай” ишни ташкил этиш, ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган фуқаро ва хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида манзилли ишлар ташкил этилмоқда. Кеча Риштон туманида истиқомат қилувчи “Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари”га киритилган 10 нафар фуқароларга ҳар бирига бир донадан тикув машинаси, 4 нафар ёшларга қора металлларга ишлов беришга мўлжалланган махсус техник воситалар ҳамда пайвандлаш аппарати топширилди. Ўз навбатида фуқаролар кўрсатилган бундай ғамхўрликлар учун ташкилотчиларга миннатдорчилик билдиришди.

2022-04-13 06:34:40